

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

1-МАХСУС СОҲ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-1

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-1



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№SI-1 (2025) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2025-SI-1>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affer
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Artur Gambaryan
yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)
Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)
Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Egamberdiyev Eminjon
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farxod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govverjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Жолдасов Айдос Фархадович ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ЗАРУРИЯТИ.....	5
2. Саидбоева Махбуба Рахмонназаровна ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ УЧАСТИЯ ПОЛИТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ В ИЗБИРАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ В УЗБЕКИСТАНЕ И ТАДЖИКИСТАНЕ.....	17
3. Искендеров Полат Конисбаевич АВТОНОМ (ҲАЙДОВЧИСИЗ) ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ТОМОНИДАН ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	26
4. Мейлиева Наргис Зульфиковна ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОРТУГАЛИЯ НОТАРИАТИ.....	35
5. Сайдивалиева Хуршида Ходжиақбаровна ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МУНОСАБАТЛАРИНИ КЕЛИШУВ ОРҚАЛИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	42
6. Vozorov Jasurbek Saydulla o'g'li SHAXSLARNING HUQUQ VA ERKINLIKLARINING PROKUROR TOMONIDAN HIMOYA QILINISHI.....	50
7. Акбаралиева Мухайё Караматулло кизи ПОХИЩЕНИЕ ЧЕЛОВЕКА И ЗАХВАТ ЗАЛОЖНИКА: РАЗЛИЧИЯ МЕЖДУ СОСТАВАМИ.....	57
8. Алиев Асилбек Кадиорович ВОПРОСЫ КВАЛИФИКАЦИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ ПРОТИВ ОБЩЕСТВЕННОГО ПОРЯДКА.....	64
9. Allanova Azizaxon Avazxonovna DAVLAT CHEGARASINI KESIB O'TISH BILAN BOG'LIQ JINOYATLAR UCHUN JINOIY JAVOBGARLIKNI AMALGA OSHIRISHDA HUDUD MASALASI.....	71
10. Алтиев Раззок Саидович ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ, ТУРЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ.....	80
11. Бобокулов Хамид Махмадутович ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАЛАРИ.....	89
12. Otaboyev Bobur Ibrat o'g'li TERRORIZMNI MOLIYALASHTIRISH JINOYATINING OBYEKTI.....	96




**12.00.02-КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО. АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО.
ФИНАНСОВОЕ И ТАМОЖЕННОЕ ПРАВО**

Жолдасов Айдос Фархадович,
Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Миллий гвардия
бошқармаси ҳарбий хизматчиси, подполковник
E-mail: zholdasov-82@list.ru

**ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРИЯТИ**

For citation: Joldasov Aidos Farhadovich. SOCIAL NEED FOR ADMINISTRATIVE AND LEGAL REGULATION OF ENSURING PUBLIC SAFETY. Journal of Law Research. 2025, Special issue 1, pp. 5-16

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.14679673>

АННОТАЦИЯ

Мақолада жамоат хавфсизлигини таъминлаш жараёнини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишининг ижтимоий зарурияти ва унинг аҳамияти илмий таҳлил қилинган. Жамоат хавфсизлиги тушунчасининг назарий-ҳуқуқий асослари ва илмий ёндашувлар ўрганилиб, турли олимларнинг фикрлари ҳамда қонунчиликка киритилган таърифлар таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада жамоат хавфсизлигининг ҳаётий муҳим манфаатларни ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, турли таҳдидлардан ҳимоялашдаги ўрни кўрсатилган. Шунингдек, маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш тушунчаси кенг маънода давлат бошқаруви соҳасида ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуи сифатида талқин этилган. Муаллиф жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги оддий ҳолатлар (қундалик ҳаёт) ва фавқулодда вазиятлардаги ижтимоий заруриятларни ажратиб кўрсатади.

Калит сўзлар: жамоат хавфсизлиги, маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш, ижтимоий зарурият, хавфсизлик концепцияси, пандемия, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳуқуқий механизмлар, маъмурий-ҳуқуқий режим, жамият хавфсизлиги, давлат хавфсизлиги, қонунчилик, фавқулодда вазиятлар, жамоат тартиби, глобаллашув.

Жолдасов Айдос Фархадович,
Военнослужащий управления Национальной гвардии
по Республике Каракалпакстан, подполковник
E-mail: zholdasov-82@list.ru

**СОЦИАЛЬНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ АДМИНИСТРАТИВНО-ПРАВОВОГО
РЕГУЛИРОВАНИЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ**

АННОТАЦИЯ

В статье научно анализируется общественная необходимость и значимость административно-правового регулирования процесса обеспечения общественной безопасности. Изучены теоретико-правовые основы и научные подходы к понятию общественной безопасности, проанализированы мнения различных ученых и определения, содержащиеся в законодательстве. В статье также подчеркивается роль общественной безопасности в защите жизненно важных интересов, обеспечении прав и свобод граждан, защите от различных угроз. Также понятие административно-правового регулирования трактуется широко как совокупность правовых и организационных мер в сфере государственного управления. Автор различает социальные потребности в обеспечении общественной безопасности в обычных ситуациях (повседневной жизни) и в чрезвычайных ситуациях.

Ключевые слова: общественная безопасность, административно-правовое регулирование, социальная необходимость, концепция безопасности, пандемия, профилактика преступности, правовые механизмы, административно-правовой режим, общественная безопасность, государственная безопасность, законодательство, чрезвычайные ситуации, общественный порядок, глобализация.

Joldasov Aidos Farhadovich,

Serviceman of the National Guard of the Republic of Karakalpakstan, lieutenant colonel

E-mail: zholdasov-82@list.ru

SOCIAL NEED FOR ADMINISTRATIVE AND LEGAL REGULATION OF ENSURING PUBLIC SAFETY

ANNOTATION

The article scientifically analyzes the social necessity and significance of administrative and legal regulation of the process of ensuring public safety. The theoretical and legal foundations and scientific approaches to the concept of public safety are studied, the opinions of various scientists and definitions contained in the legislation are analyzed.

The article also emphasizes the role of public safety in protecting vital interests, ensuring the rights and freedoms of citizens, and protecting against various threats. Also, the concept of administrative and legal regulation is interpreted broadly as a set of legal and organizational measures in the sphere of public administration. The author distinguishes between social needs for ensuring public safety in ordinary situations (everyday life) and in emergency situations.

Keywords: public safety, administrative and legal regulation, social necessity, security concept, pandemic, crime prevention, legal mechanisms, administrative and legal regime, public safety, state security, legislation, emergency situations, public order, globalization.

Жамият хавфсизлигини таъминлаш жараёнини маъмурий-хуқуқий тартибга солишининг ижтимоий эҳтиёжи давлат ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, маданий, ахборот ва бошқа соҳаларида кузатилади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашни маъмурий-хуқуқий тартибга солишининг ижтимоий зарурияти ва аҳамияти, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида мамлакатимизда шаклланган ижтимоий-сиёсий вазиятда яққол намоён бўлди, ушбу давр ўзининг мураккаб, кўпинча бир-бирига қарама-қарши бўлган жараёнлар, тенденциялар ва ходисалар мажмуаси, шу жумладан товарлар ва хизматлар бозоридаги оғир молиявий-иқтисодий вазият, бюджет соҳасида иш ҳақини тўлашининг кечикиши, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги муаммолар ва бошқалар билан тавсифланади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш жараёнида турли жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга чек қўйиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича халқаро амалиёт шуни кўрсатадики, замонавий демократик давлат учун жиддий таҳдидлардан бири, бу жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши, тан олинмаслиги ҳисобланади.

Демак, жамоат хавфсизлигини маъмурий-хукукий тартибга солиш масалаларини кўриб чиқиш шубҳасиз долзарб бўлиб, бу биринчи навбатда, ушбу соҳада юзага келадиган муаммоларнинг аксарият қисми чуқур ўрганилмаганлиги, глобализация ҳамда кибермайдоннинг давлатлар чегараларини инкор этган ҳолда кенгайиши натижасида жамоат хавфсизлигига нисбатан вужудга келадиган янги турдаги хавф-хатарлар билан боғлиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жамоат хавфсизлигини таъминлашда биз авваламбор “жамоат хавфсизлиги ўзи нима?” деган саволга жавоб топиш ва ушбу тушунчага аниқ таъриф бериш зарур ва “жамоат хавфсизлиги” тушунчасининг назарий-хукукий асосларига аниқлик киритишда бир қатор олимларнинг фикрларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Жамоат хавфсизлиги тушунчасига таъриф беришдан олдин, “жамият” ва “жамоат” сўзларига таъриф бериб ўтамыз.

Интернет Википедиясида “Жамият ёки социум (лат. социум - умумий) - бу одамлар жамоаси бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти одамларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг ўзаро таъсири ва бирлашиши шакллари” деб таъриф берилган.[1]

Ўзбек тилининг изоҳли луғатига “жамият” - (جماعات) арабча сўз бўлиб - йиғилиш, уюшма, бирлашма, гуруҳ деган маъноларни англатади ва тарихий тараққиётнинг муайян босқичида юзага келган ижтимоий муносабатлар мажмуи ҳисобланади, “жамоат” - (جماعات) арабча сўз бўлиб - бирлашма, уюшма, гуруҳ деган маъноларни англатади ва кўпчилик ёки кўпчиликка тегишли эканлигини билдиради.[2]

Демак, “жамият”, “жамоат” ва “социум” тушунчалари бир-бирига жуда яқин ёки бир хил маънони англатиб муайян ҳудуд ёки жойда кўпчилик шахслар (уларнинг гуруҳлари, бирлашмалари ва бошқалар)га нисбатан қўлланилади.

“Жамоат хавфсизлиги” тушунчасини таҳлил қилишга тўхталадиган бўлсак, шуни такидлаш жоизки, бугунги кунда илмий ишларда ушбу хукукий тоифани белгилаш бўйича кўплаб қарашлар шаклланган. “Жамоат хавфсизлиги” атамаси илмий билимларнинг турли соҳаларида ва ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалий фаолиятида кенг қўлланилади. Бироқ унинг кенг қўлланилишига қарамай, афсуски, бугунги кунда “жамоат хавфсизлиги” таърифига ягона ёндашув мавжуд эмас. Шу муносабат билан “жамоат хавфсизлиги” тушунчасининг мазмунини аниқлаш бўйича илмий адабиётлар, амалдаги қонун ҳужжатларини ҳар томонлама таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

“Жамоат хавфсизлиги” тушунчасига келадиган бўлсак профессор Л.Л.Поповнинг фикрича, жамоат хавфсизлиги деганда одамлар ва умуман жамият учун ортиб бораётган хавф-хатарни келтириб чиқарадиган объектлар ва объектлардан фойдаланишда, алоҳида шароитлар, табиий офат, ижтимоий ёки техноген хусусиятдаги бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келганда, хукуқий, техник ва бошқа турдаги нормаларга мувофиқ юзага келадиган жамоат муносабатлари тизими тушунилади. [3]

А.И.Парубовнинг фикрича, жамоат хавфсизлиги жамиятда ривожланиб, хукуқий ва техник нормалар билан тартибга солинадиган ва одамлар хавфсизлигини таъминлашга, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавфли таҳдидларнинг олдини олишга, мулкдорларнинг мулкларини сақлашга қаратилган муносабатлардир. [4]

С.В.Степашин эса, жамоат хавфсизлиги - бу ижтимоий муносабатларнинг сифат ҳолатини, жамиятнинг муайян тарихий ва табиий шароитларда изчил ривожланишини таъминлаб, турли омиллар таъсирида мазмуни ва йўналишини ўзгартирадиган ички ва ташқи келишмовчиликлардан келиб чиқадиган хавф-хатарлардан ҳимоя қилишдир, деб ҳисоблайди. [5]

Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясида “жамоат хавфсизлиги — жамиятнинг қонунга ҳилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан (кейинги ўринларда — таҳдидлар) ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди” [6] деб тушунча берилган.

Б.Т.Хамхоевнинг таъкидлашича, жамоат хавфсизлиги деганда жамиятнинг барқарор мавжудлигини, фуқароларнинг зарур эҳтиёжлари ва манфаатларини қондиришни, турли хил жиноятларнинг олдини олиш, хавф ва таҳдидларни бартараф этиш қобилиятини таъминлайдиган ижтимоий муносабатларнинг сифатли тараққиёти ва ривожланиш ҳолати тушунилиб, жамоат хавфсизлиги, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ўз ичига олади. Бундан ташқари, Б.Т.Хамхоевнинг фикрича, жамоат хавфсизлиги одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига, уларнинг мол-мулкига таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни қамраб оладиган ажралмас қисмдир. [7]

А.М.Воронов жамоат хавфсизлигини шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий манфаатларига нисбатан ижтимоий хавфли ҳаракатларда (ҳаракатсизликда) намоён бўладиган потенциал ва реал хавфлардан маъмурий, ахборот, жинсий, экологик ва бошқа ҳуқуқий соҳалар нормалари тизими билан ҳимояланган шахс ва жамиятнинг ҳуқуқий ҳолати сифатида тушунтиради. [8]

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида жамоат хавфсизлиги шахс, жамият ва давлатнинг жиноятчилик, бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар, фавқулодда ҳолатлар оқибатлари, ижтимоий низолар, табиий офатлар, эпидемия, эпизоотия, йирик ҳалокатлар, авариялар ва ёнгинлардан ҳимояланганлик ҳолатидир [9] деб қайд этилган. Мазкур таърифда жамоат хавфсизлиги юқори хавф манбаалари салбий хусусият ёки ҳоссаларининг намоён бўлиши билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар сифатида таърифланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳида “жамоат хавфсизлиги - жамият ҳаётининг хавфсиз шароити, яъни шахсларнинг дахлсизлиги, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ манфаатлари, ҳар қандай давлат ёки жамоат бирлашмаларининг бир меъёрда иш олиб борилишини таъминловчи ижтимоий муносабатдир” [10] деб таъриф берилган.

АҚШда 1994 йилда чоп этилган ижтимоий суғурта ва иқтисодий хавфсизлик муаммоларига бағишланган манбаада жамоат хавфсизлигини умумий фаровонликнинг таркибий қисми ҳисобланиб, унга «шахснинг ҳозирда ва келажакда ўзининг асосий эҳтиёжлари ва хоҳиш-истакларини қондира олишига нисбатан ишонч бахш этувчи тинч-осойишталикни онгли ҳис этиш сифати» [11] - деб таъриф берилган. Мазкур таърифда муаллиф жамоат хавфсизлиги иқтисодий хавфсизлик категориялари, яъни даромад миқдори, даромадларнинг етишмаслиги (масалан, паст иш ҳақи ёки тўлиқсиз бандлик) ёки даромаднинг ноаниқлиги оқибатлари билан изоҳлайди. Шу билан бирга хавф, оила бошлиғининг бевақт вафоти, кексайиш, саломатликнинг ёмонлашуви, ишсизлик, паст иш ҳақи, пулнинг қадрсизланиши, табиий офатлар, эр-хотиннинг ажралишлари, алкоғолизм ёки гиёҳвандлик, кимор ўйинлари ёки уйдаги зўравонлик каби омиллар туфайли юзага келиши мумкин деган хулосага келади.

К.С.Бельскийнинг фикрича, жамоат хавфсизлиги диний, миллий ва меҳнат асосидаги низоларнинг йўқлиги билан тавсифланган муҳит эканлигини таъкидлайди. Шу нуқтаи назардан, жамоат хавфсизлиги деганда, энг муҳими, жамоат осойишталиги ва фуқароларнинг уларни ҳар қандай таҳдид ва шу каби хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилишга ишончи ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими, биринчи навбатда, полиция тизими томонидан таъминланадиган давлат тушунилади. [12]

Бизнинг фикримизча, жамоат хавфсизлигининг бундай таърифи жуда оддий кўринади, чунки ҳатто энг "идеал полиция органи"нинг мавжудлиги ҳам жамоат хавфсизлигини тўлиқ таъминлашга кафолат бермайди.

Олимларнинг фикрини ўрганишни давом этар эканмиз, В.М.Васиннинг позицияси ҳам алоҳида қизиқиш уйғотади. Олимнинг фикрича, жамоат хавфсизлигини бир вақтнинг ўзида бир нечта жиҳатларига қараб белгилаш мақсадга мувофиқдир, хусусан: жамоат хавфсизлиги - бу шахс ва жамият ҳаёти давомида вужудга келадиган, давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг хавфсиз фаолият юритиши, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириши, бошқарув, маъмурий-ҳуқуқий ва ахборот-ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланган жамоат муносабатларининг маъмурий ва

ахборот ҳуқуқи нормалари билан ҳимояланган ҳолатидир. [13] Бироқ бунда муаллиф ушбу соҳада жиноят содир этганлик учун жинойий жавобгарликни таъминлаш орқали жамоат хавфсизлигини ҳуқуқий ҳимоя қилишни ҳам амалга оширувчи жиноят ҳуқуқи нормаларини ҳисобга олмаган.

Е.Б.Олховский жамоат хавфсизлиги тушунчасини кенг ва тор маънода кўриб чиқади. Унинг фикрича, жамоат хавфсизлиги кенг маънода давлат, жамиятнинг нормал фаолият кўрсатишини, ҳар бир фуқаро учун осойишталик муҳитини таъминлайдиган ҳуқуқий, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш чоралари мажмуидир. Тор маънода жамоат хавфсизлиги - бу одамлар ҳаёти жараёнида вужудга келадиган мустаҳкам иродали ижтимоий муносабатлар, уларнинг жамоат жойларида цивилизациялашган жамиятнинг ҳуқуқий нормалари, қоидалари ва урф-одатларининг амалдаги кўрсатмаларига мувофиқ мулоқот қилиш тартибидир. Олимнинг фикрича, жамоат хавфсизлиги мазмуни тор маънода жамоат хавфсизлиги билан боғлиқ муносабатларни ва давлат органларининг, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалий фаолиятини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий ва ташкилий чоратadbирлар мажмуини ўз ичига олади. [14]

А.Н.Позднишев жамоат хавфсизлигини ижтимоий тизим ҳаётининг шароити ва ҳолати сифатида белгилайди, унинг функцияларини амалга ошириш сифати билан тушинтиради, шунингдек, ижтимоий тизимнинг ноқулай ташқи ва ички шароитларда барқарор давлатни сақлаб туриш, жамият хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш қобилияти билан тавсифлайди. [15] Ушбу позициянинг камчилиги, биринчидан ушбу қараш жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий мақсадини акс эттирмайди, иккинчидан, жамоат хавфсизлигини ҳимоя қилиш объектлари аниқ ажратилмаган, бу эса давлат органларининг вазифалари ва функцияларини аниқ белгилаш ушбу соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган субъектлар учун жуда муҳимдир.

Юқорида айтилганларнинг моҳияти шундан далолат берадики, олимларнинг замонавий илмий фикрларида "жамоат хавфсизлиги" тушунчасини таърифлашда ягона қараш йўқ.

Олимларнинг фикрларини таҳлили қилиб,

биринчидан, таърифларнинг аксарияти унинг турли томонларини ва хавфсизлик ҳамда ҳимоя қилиш объектларини акс эттиради;

иккинчидан, олимлар жамоат хавфсизлигининг фақат битта мазмунли жиҳатида, яъни турли таҳдидлардан (ижтимоий, техноген, табиий ва бошқалар) ҳимояланиш даражасига эътибор қаратадилар;

учинчидан, айрим олимлар миллий хавфсизлик ва жамоат хавфсизлигини тенглаштирадидлар деган хулосага келиш мумкин.

"**Жамоат хавфсизлиги**" тушунчасини аниқлаш бўйича илмий позицияларни таҳлил қилиш унинг хусусиятларини ажратиб кўрсатишга имкон беради.

Биринчидан, бу етарли хавфсизлик ҳолати. Бу ҳолат шахс, жамият ва давлат учун реал ёки потенциал хавф-хатарларнинг мавжуд эмаслигини, шунингдек, бундай давлатни сақлаб қолиш чораларини билдиради, бу эса аҳолида хавфсизлик ҳиссини яратади. Жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш фуқароларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларини, айниқса, шахсий ҳуқуқларини хавфсизлик ва жамоат осойишталиги шароитида амалга ошириш имконини беради. Бошқача қилиб айтганда, бундай амалга ошириш фуқароларнинг ҳар қандай характердаги таҳдидлар мавжуд бўлмаганда, яшаш, соғлигини муҳофаза қилиш, шахсий дахлсизлик, меҳнат қилиш, яшаш жойини эркин танлаш, дам олиш ҳуқуқларини хавфсизлик ва гигиена талабларга жавоб берадиган шароитларда амалга ошириши мумкинлигида намоён бўлади.

Иккинчидан, жамоат хавфсизлиги умумий ва махсус ваколатли давлат ҳокимияти органлари тизими, шунингдек, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан таъминланади. Шунга кўра, жамоат хавфсизлиги давлат томонидан таъминланади ва кўриқлаш объектларига хавф туғдирадиган вазият юзага келганда, давлат ҳокимиятининг ваколатли органлари бундай хавфларни бартараф этиш учун фавқулодда, алоҳида, вақтинчалик чоралар кўриши керак.

Учинчидан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш жамоат тартиби мавжуд бўлганда энг самарали бўлади. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, барқарор жамоат тартибини таъминламасдан туриб, аҳоли хавфсизлигини сифатли таъминлаш мумкин эмас. Шунинг учун жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги жамоат муносабатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, кўпинча “жамоат хавфсизлиги” ва “жамоат тартиби” атамалари ўзаро боғлиқ тушунчалар сифатида қўлланилади.

Тўртинчидан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, албатта, муайян меъёрлар тизими билан тартибга солинади. Бу белги аҳолини ноқонуний тажовузлардан, турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш қонун устуворлиги асосида амалга оширилади дегандан далолат беради. Шуни таъкидлаш кераки, қонун нормалари фавқулодда вазиятларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муҳим даражадаги жамоат муносабатларини тартибга солиш, хусусан: инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, фуқароларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги хатти-ҳаракатларининг чегаралари, жисмоний ва юридик шахсларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган муайян ҳаракатларни амалга ошириш бўйича вақтинчалик мажбуриятларини белгилайди, ноқонуний хатти-ҳаракатлар турларини белгилайди, яъни фақат қонун нормалари жамоат хавфсизлигига, ҳам оддий ҳаёт шароитида, ҳам фавқулодда вазиятларда хавфсизликка тажовуз қилувчи хатти-ҳаракатларнинг тўлиқ рўйхатини белгилайди.

Ва ниҳоят, шахснинг, жамиятнинг, давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини амалга оширишдан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларнинг мавжудлиги, улар ижтимоий имтиёзлар, конституциявий тузум, жамоат тартиби, шахсий дахлсизлик, мулк ва бошқаларни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, “жамоат хавфсизлиги” тушунчасига оид илмий позицияларнинг юқоридаги таҳлили ва кўрсатилган белгилар “жамоат хавфсизлиги” деганда шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини тўқинликсиз рўёбга чиқаришни таъминлашга, потенциал ёки реал хавф туғдирувчи шарт-шароитлар ва омилларнинг олдини олишга, баргараф этишга қаратилган ижтимоий муносабатларни етарли даражада ҳимоя қилиш ҳолати тушунилиши керак. Бу уларнинг (шахс, жамият ва давлатнинг) мавжудлигига асос бўлиб хизмат қилади ҳамда умумий ва махсус ваколатли давлат органлари тизими, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқаролар фаолияти натижасида эришилади.

Шундай қилиб, “жамоат хавфсизлигини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш” олимларнинг фикрларини таҳлил қиладиган бўлсак, тартибга солишни кенг маънода, олимлар Ю.М.Козлов ва Л.Л.Поповлар “давлат томонидан тартибга солиш - маъмурий ҳуқуқ нормалари билан давлат бошқаруви соҳасидаги турли фаолиятнинг муайян режимини, ижтимоий ривожланиш манфаатларига жавоб берадиган ва тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган режимни ўрнатиш, шунингдек, ушбу режимни турли маъмурий-ҳуқуқий воситалар билан сақлаш” деб кўрсатади. [16]

А.И.Сапожников жамоат хавфсизлигининг маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиниши деганда ижтимоий объектив ва руҳсат берувчи, назорат ва мажбурий усуллардан фойдаланадиган давлат органлари фаолиятининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий режими тушунилиши кераклигини кўрсатади. Шундай қилиб, олим ушбу режимни алоҳида маъмурий-ҳуқуқий режимга, шунингдек унинг турларига: ижтимоий таъминот, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин, санитария, техноген хавфсизлик кабиларга таснифлайди. Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг маъмурий-ҳуқуқий режимларининг ўзига хос турлари ва уларни амалга ошириш чегаралари, уларнинг мақсади, мамлакатдаги ва муайян минтақадаги вазиятнинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. [17]

Н.Ю.Хаманева бўлса, тартибга солишни “давлат томонидан тартибга солиш давлат томонидан жамоат муносабатлари иштирокчилари учун умумий хулқ-атвор қоидаларини ва ўзгарувчан ташқи шароитларга қараб уларнинг мумкин бўлган ўзгаришларини белгилашдан иборат. Тартибга солиш субъектлари қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларидир” [18] деб таъкидлайди.

Тор маънода давлат томонидан “тартибга солиш” мувофиқлаштириш, назорат қилиш, прогнозлаш ва бошқа қатор функциялар билан бир қаторда давлат бошқарувининг функцияларидан бири сифатида қаралади. Шу маънода биз айнан жамоат хавфсизлигини таъминлашни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солинишини ўрганиш нуқтай назаридан, юқорида “жамоат хавфсизлиги” тушунчасига аниқлик киритдик.

Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясида “жамоат хавфсизлигини таъминлаш — давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган ҳамда доимий равишда такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни камраб олувчи яхлит тизим” деб кўрсатилган.[6]

Жамоат хавфсизлигини таъминлашни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш билан бевосита боғлиқ бўлган, юқорида таъкидланган усуллар каби тушунчалар, бошқа қонунчилик таърифларида ҳам ифодаланган бўлиб, уларни қўйидагиларда кўриш мумкин:

“радиациявий хавфсизлик – фуқаролар ва атроф муҳитнинг ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофазаланганлик ҳолати”; [20]

“ёнғин хавфсизлиги – одамларнинг, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкининг, шунингдек атроф табиий муҳитнинг ёнғинлардан ҳимояланганлиги ҳолати”; [21]

“гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги – гидротехника иншоотларининг одамлар ҳаёти, соғлиғи ва қонуний манфаатларини, атроф табиий муҳит ва хўжалик объектларини муҳофаза қилишни таъминлаш имконини берувчи ҳолати”; [22]

“йўл ҳаракати хавфсизлиги – йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати” [23] – деб эътироф этилади.

Маъмурий ҳуқуқнинг долзарб масалалари бўйича юридик адабиётларни таҳлил қилиш, бизга кўплаб муаллифлар маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳосиласи - давлат бошқарувининг муҳим қисми ва унинг етакчи функцияси сифатида белгилайди, деган хулосага келишга имкон беради. Яъни кўпчилик олимларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда, жамоат хавфсизлигининг маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиниши давлат томонидан ҳулқ-атворнинг умумий қоидаларини (меъёрларини) ўрнатиш жараёни сифатида изоҳлаш мумкин. Шу билан бирга, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари унинг асосий субъектлари сифатида қаралади. [24]

Ҳар қандай жамият, биринчи навбатда, таҳдидларнинг йўқлигидан манфаатдор. Шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлиги қонунчилик даражасида белгиланган ва тегишли молиявий ёрдамни талаб қилувчи комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш орқали таъминланади. [25] Шу сабабли, сиёсий, ижтимоий-маданий ва маъмурий яхлитликни бузиши мумкин бўлган хавфларнинг олдини олиш учун профилактика чораларини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир. [7]

Ижтимоий заруриятдан келиб чиқиб, қонун чиқарувчи орган хавфсизликнинг айрим турларини белгилайди: жамоат хавфсизлиги, миллий хавфсизлик, давлат хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, транспорт хавфсизлиги, ҳаракат хавфсизлиги ва бошқалар шулар жумласидандир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда унинг бошқа турларини ҳам топишимиз мумкин, масалан гидротехника иншоотлари, транспорт, биологик, иқтисодий, ахборот, экологик хавфсизлик ва бошқалар шулар жумласидандир. Кўриб турганимиздек, ижтимоий заруриятдан келиб чиққан ҳолда, ҳимоя предмети ва кўриқланадиган манфаатларга қараб, жамоат хавфсизлигини таъминлаш тушунчасини норматив ҳужжатларда қўллаш доираси жуда кенг.

Жамоат хавфсизлигини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг ижтимоий зарурияти жамиятдаги зиддиятлар авж олганда яққол кўзга ташланади, ушбу фикрни профессор А.М.Бандурканинг, “ўткир ижтимоий зиддиятларни ҳал этишда фавқулодда чора-тадбирлардан излаш керак, уларни қўллаш “алоҳида” сиёсатчилар ташаббуси билан эмас, балки жамиятнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, давлат ҳаётининг турли соҳаларида самарали ислохотларни амалга оширишда кўринадиган” деган фикрлари ҳам тасдиқлайди. [27]

Ҳаммамизга маълум давлат жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг етакчи субъекти сифатида жамиятнинг ижтимоий, ҳуқуқий, сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётини бошқариб, тартибга солиб боради. Жамоат хавфсизлигини таъминлашни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солинишининг ижтимоий заруриятини илмий асослаш ва замонавий шакллантириш, шунингдек, бошқа шунга ўхшаш ҳуқуқий ҳодисалар билан чегаралаш ва муайян алоқаларни ўрнатиш тадқиқот фаолияти учун ҳам, ҳуқуқ учун ҳам, ижро амалиёти учун ҳам катта аҳамиятга эга. Таъкидлаш жоизки, мамлакатнинг, умуман хавфсизликнинг принципиал янги концепциясига ўтиши шароитида ушбу масалани назарий тадқиқ этиш янги назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу, биринчи навбатда, жамиятимиз ва бутун давлат ривожланиши учун ички ва ташқи шароитларнинг сезиларли ўзгариши билан боғлиқ.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солинишининг аҳамияти шундаки, ушбу ҳуқуқий ҳодиса давлатда содир бўлаётган мураккаб жараёнларни диққат марказига олади. Миллий хавфсизликни, хусусан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш маълум маънода мамлакатни ислоҳ қилишнинг шартини ва айни пайтда мақсади, деган фикр бор. [28]

Шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг ижтимоий зарурияти, иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш зарурлигидан ҳам келиб чиқишини кузатиш мумкин. Айнан маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш иқтисодиётнинг давлат секторини иқтисодий ислоҳотлар жараёнида давлатга зарар етказмасликка ёрдам беради.

Масалан Г.Пироговнинг фикрича ижтимоий сиёсат “учта асосий йўналишда: компенсация, амортизация ва муаммога йўналтирилган” бўлиши мумкин. Ушбу усулларнинг мазмуни иқтисодий маънога эга бўлгани билан, маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишни назарда тутати. Яъни “...**Биринчи** ҳолатда, давлат иқтисодий заиф қатламларни жорий иқтисодий вазиятнинг ривожланиши билан боғлиқ йўқотишларни қоплайди. Бу, шунингдек, инфляция ривожланиши билан ижтимоий нафақаларни бир марталик ва вақти-вақти билан оширишни ҳам ўз ичига олади.

Иккинчи ҳолатда, умумий аҳолини барча асосий ижтимоий хавфлардан ҳимоя қилишни таъминлайдиган хавфсизлик тармоғи яратилади: қарилик, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик учун пенсиялар, энг кам ойлавий даромадни сақлаш, суғурта, ишлаб чиқариш жароҳатлари, бепул тиббий ёрдам, болалар нафақалари, ўлим нафақалари ва бошқалар.

Ниҳоят, **учинчи** ҳолатда, муаммога йўналтирилган ижтимоий сиёсат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида юзага келадиган энг муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган бўлиб, уларнинг энг муҳими ҳозирги шароитда фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва жамиятни декриминаллаштириш муаммосидир. Ушбу муаммоларни махсус интеграциялашган дастурлар ёрдамида ҳал қилиш ва улар орасида устуворликларнинг аниқ иерархияси белгиланиши керак. [29]

Г.Пироговнинг фикрига қисман қўшилиш мумкин, чунки иқтисодий фаровонликни таъминлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш орқали эришилиб ушбу мақсадга эришиш муҳим ижтимоий заруриятдан келиб чиқмоқда.

Иқтисодий фаровонликни таъминлаш орқали, жамоат хавфсизлигини таъминлашни самарали маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиб шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминланиш даражасини ошириш мумкин.

2022 йил якунига кўра, жаҳоннинг энг хавфсиз давлатлар ўнталигини Исландия, Дания, Австрия, Янги Зеландия, Португалия, Чехия, Швейцария, Канада, Япония ва Словения ташкил қилмоқда, энг хавфли давлатлари ўнталигини эса Сурия, Афғонистон, Ироқ, Судан, Сомали, Яман, Конг, Покистон, Чад, Мали ва Колумбия давлатлари ташкил қилмоқда. [19] Ушбу энг хавфсиз давлатлар ўнталиги асосан иқтисодий ривожланган (Европа) давлатлар ташкил этиб, энг хавфли давлатлар ўнталигини асосан иқтисодий қолоқ (Африка) давлатлар ташкил этмоқда.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш ва унинг ижтимоий зарурияти ҳақида гапирар эканмиз, замонавий цивилизациянинг COVID-19 пандемияси билан тўқнашуви тинимсиз давом этаётган модернизация, глобаллашув, оптималлаштириш ва бошқа жараёнларининг ижтимоий қийинчиликлари ва қарама-қаршиликларини акс эттирди, ушбу жараён албатта камчиликларсиз кечмади.

2020 йил бошида COVID -19 вирусининг тарқалиши Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан пандемия сифатида тан олинди. Вазиятнинг ривожланишини башорат қилишнинг қийинлиги, глобал миқёсда вирусли инфекцияга қарши курашиш тажрибасининг етишмаслиги мавжуд вазиятни янада қийинлаштирди. Муболағасиз айтиш мумкинки, инсоният биринчи марта вирусли инфекциянинг бу даражадаги оммавий тарқалиши хавфига дуч келди. Замонавий дунёнинг глобаллашуви замонавий таҳдид учун чегаралар ва тўсиқлар йўқлигини кўрсатди.

COVID-19 вирусининг мамлакатимиз бўйлаб тарқала бошлаши жамоат хавфсизлигини таъминлашни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солинишини зудлик билан қаттиқ назоратга олиш ижтимоий заруриятини келтириб чиқарди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг бир қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, яъни ушбу кодекснинг, 29²-моддаси Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 26 мартдаги ЎРҚ-613-сон, 54-модда иккинчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 апрелдаги ЎРҚ-688-сон, 107 ва 108-моддаларнинг номи, 108-модданинг биринчи қисмининг диспозицияси Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 январдаги ЎРҚ-743-сон, 108-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-586-сон қонунлари қабул қилиниши орқали такомиллаштирилди.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ҳам қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Яъни Жиноят кодексига, янгидан 244⁵-модда (Карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш), Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 26 мартдаги ЎРҚ-613-сонли қонунига асосан киритилди. 257¹-модда (Санитарияга оид қонунчиликни ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш) биринчи қисмининг диспозицияси Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-683-сонли қонуни билан ўзгартирилди.

Кўриниб турганидек, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиб туриш жамиятда тинимсиз рўй бераётган модернизация, глобаллашув, оптималлаштириш ва бошқа ижтимоий жараёнларининг ижтимоий заруриятдан келиб чиқади.

Лекин жаҳон миқёсида пандемияга қарши курашда ҳукуматлар фавқулодда вазиятда аҳолини ҳимоя қилиш учун муайян чоралар кўрди. Бироқ ҳукуматнинг айрим аралашув стратегиялари ҳам фуқаролар, ҳам экспертлар ўртасида мунозараларга сабаб бўлиб, айрим ҳолатларда аҳоли аҳолининг оғирлашишига ва шахслар ҳуқуқларининг чекланишига олиб келди. Айрим Европа давлатларида карантин чекловларига қарши уюштирилган намоийшларнинг авж олиши кузатилди. Ушбу ҳодисанинг таҳлили, хавфсизликни ўрганиш билан шуғулланадиган тадқиқотчиларда қизиқиш уйғотмасдан қолмайди, чунки у пандемия даврида юзага келадиган ижтимоий жараёнларнинг мураккаблигини, жамият учун аҳамиятини ва ижтимоий заруриятини кўрсатади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг ижтимоий заруриятини давлат хизматларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида жорий этиладиган маъмурий-ҳуқуқий тақиқлар ва чекловларда кўришимиз мумкин. Ушбу тақиқ ва чекловлар орқали жамиятдаги ижтимоий муносабатлар тартибга солинади, яъни жамоат тартиби ва хавфсизлиги, иқтисодий муносабатлар иштирокчиларининг тенглиги, демократик рақобат асосларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида бошқарув объектлари ҳамда турли ҳуқуқ субъектлари учун умуммажбурий бўлган кўрсатмаларни ўрнатиш ҳисобланади. Тартибга солиш функцияси бир

неча йўналишларда амалга оширилиши мумкин. Масалан, норматив ҳуқуқий акт орқали маълум бир соҳадаги хулқ-атвор қоидаларини белгилаш ёки бошқарувнинг аниқ жараёнларини (сертификатлаш, лицензиялаш, солиққа тортиш, рўйхатга олиш ва ҳоказо) ўрнатишдир. [26] Бундан ташқари, жамоат хавфсизлигини таъминлашни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг ижтимоий заруриятини бутунги кунда маъмурий-ҳуқуқий нормаларни тизимга солиш, уларни давр талаби, амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий ислохотлар, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустақамланган институтлар билан мувофиқ ҳолга келтириш вазифаси биринчи ўринга чиқмоқда. Табиийки, тегишли маъмурий-ҳуқуқий норматив ҳужжатларни сезиларли даражада янгилаш, шунингдек, бошқарувга доир ижтимоий муносабатларни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишдаги мавжуд кўплаб камчиликларни бартараф этиш, маъмурий ҳуқуқ институтлари нормаларини тизимлаштиришнинг ижтимоий зарурияти юзага келган.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш керакки, жамоат хавфсизлигини таъминлашни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг ижтимоий заруриятини ўрганар эканмиз, уни умумий икки тоифага бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деган фикрдамиз, яъни жамоат хавфсизлигини таъминлашни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг **оддий ҳолатдаги** (кундалик ҳаётдаги) ва **фавқулодда вазиятлардаги** ижтимоий зарурияти тоифалари.

Шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлашни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиши, ўз навбатида жамиятдаги институционал ва таркибий ўзгаришлар турмуш даражасининг яхшиланишига олиб келиши ва инсон салоҳияти сифатига ижобий таъсир кўрсатиб, вужудга келган қийинчиликларни енгиш, сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг салбий тенденцияларини бартараф этиш ва жамоат хавфсизлигини фақат инсон ҳуқуқларига хос қадриятлар асосида таъминлаб, замонавий жамият институционал ва меъерий тизимининг ажралмас элементи бўлган жамоат хавфсизлигининг ҳолатига ва инсон салоҳиятига ҳар қандай ҳолатда ҳам (оддий ҳолатдаги (кундалик ҳаётдаги) ва фавқулодда вазиятлардаги) бевосита таъсир қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Википедия (Wikipedia) <https://ru.wikipedia.org/wiki/Общество>;
2. А.Мадвалиев Ўзбек тилининг изоҳли луғати “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти Т. // www.ziyouz.com кутубхонаси. (A. Madvaliyev Explanatory dictionary of the Uzbek language “National Encyclopedia of Uzbekistan” State Scientific Publishing House T. // www.ziyouz.com library.)
3. Административное право/под ред. Л.Л.Попова. М.: Юрист, 2002. 699 с. (Administrative law/edited by L.L. Popov. Moscow: Jurist, 2002. 699 p.)
4. Парубов А.И. Организационно-правовое обеспечение охраны общественного порядка и общественной безопасности в региональных подсистемах предупреждения и ликвидации последствий чрезвычайных ситуаций: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2003. 198 с. (Parubov A.I. Organizational and legal support for the protection of public order and public safety in regional subsystems for the prevention and elimination of consequences of emergency situations: diss. ... candidate of legal sciences. Moscow, 2003. 198 p.)
5. Степашин С.В. Теоретико-правовые аспекты обеспечения безопасности в Российской Федерации: дис. ... докт. юрид. наук. СПб., 1994. 246 с. (Stepashin S.V. Theoretical and legal aspects of ensuring security in the Russian Federation: diss. ... Doctor of Law. St. Petersburg, 1994. 246 p.)
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги фармони (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-27 dated November 29, 2021 "On approval of the Concept of Public Security of the Republic of Uzbekistan and measures for its implementation");

7. Хамхоев Б.Т. Проблемы определения общественной безопасности // Административное право и процесс. 2011. № 7. С. 40–42. (Khamkhoev B.T. Problems of defining public safety // Administrative law and process. 2011. No. 7. P. 40–42.)
8. Воронов А.М. Общественная безопасность: административные и информационно-правовые проблемы обеспечения и организации управления. – Москва, 2004. 204 с. (Voronov A.M. Public safety: administrative and information-legal problems of ensuring and organizing management. – Moscow, 2004. 204 p)
9. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. – 2010. – Б. 167. (Legal Encyclopedia of Uzbekistan. – 2010. – P. 167);
10. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар 3-том (махсус қисм).– Т: «Юридик адабиётлар публиц», 2021. – 324-Б (Rustambaev M.Kh. Comments to the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, Volume 3 (special part).– T: “Legal Literature Publishing House”, 2021. – P. 324).
11. Social Insurance and Economic Security, 5th ed., George E.Reida, 1994, Prentice Hall. - P. 5.;
12. Бельский К.С. Полицейское право/под ред. А. В. Куракина. М.: Изд-во «Дело и Сервис», 2004. 816 с. (Belsky K.S. Police Law / edited by A. V. Kurakin. Moscow: Delo i Servis Publishing House, 2004. 816 p)
13. Васин В.Н. Право на общественную безопасность. М.: Иид-во «Щит», 1999. 172 с. (Vasin V.N. The Right to Public Safety. Moscow: Shchit Publishing House, 1999. 172 p.)
14. Ольховський Є.Б. Адміністративно-правові засоби забезпечення громадської безпеки: дис. ... канд. юрид. наук. Х., 2003. 191 с. (Olkhovsky E.B. Administrative and Legal Means of Ensuring Public Security: Diss. ... Cand. Sci. (Law). Kh., 2003. 191 p)
15. Позднышев А.Н. Институт государственной службы в сфере обеспечения общественной безопасности (теоретико-методологические проблемы): дис. ... докт. юрид. наук. М., 2003. 402 с. (Pozdnyshv A.N. Institute of Civil Service in the Sphere of Ensuring Public Safety (Theoretical and Methodological Problems): Dis. ... Doctor of Law. Moscow, 2003. 402 p)
16. Козлов Ю.М., Попов Л.Л. Административное право. М., 2000. 238 с. (Kozlov Yu.M., Popov L.L. Administrative law. M., 2000. 238 p.)
17. Сапожников А.И. Административно-правовой режим общественной безопасности: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2005. 198 с. (Sapozhnikov A.I. Administrative-legal regime of public safety: dis. ... candidate of legal sciences. M., 2005. 198 p)
18. Хаманева Н.Ю. Проблемы административно-правового регулирования экономических отношений на современном этапе // Административно-правовое регулирование экономических отношений: сборник. М., 2001. (Khamaneva N.Yu. Problems of administrative-legal regulation of economic relations at the present stage // Administrative-legal regulation of economic relations: collection. M., 2001)
19. <https://visasam.ru/emigration/vybor/samy-bezopasnye-strany-v-mire.html>
20. <https://lex.uz/docs/26166>. “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 август кунги 120-II-сон қонуни (Law of the Republic of Uzbekistan No. 120-II dated August 31, 2000 “On Radiation Safety”)
21. <https://lex.uz/docs/1521661>. “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги 2009 йил 30 сентябрь кунги ЎРҚ-226-сон қонуни (Law No. ZURQ-226 dated September 30, 2009 “On Fire Safety”);
22. <https://lex.uz/docs/84823>. “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги 1999 йил 20 август кунги 826-I-сон қонуни (Law No. 826-I dated August 20, 1999 “On the Safety of Hydrotechnical Facilities”);
23. <https://lex.uz/docs/24741>. “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги 1999 йил 19 август кунги 818-I-сон қонуни (Law No. 818-I of August 19, 1999 “On Road Safety”);
24. Алехин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. Административное право Российской Федерации. М., 2000 (Alekhine A.P., Karmolitsky A.A., Kozlov Yu.M. Administrative law of the Russian Federation. Moscow, 2000.);
25. Солонина В.П. Улучшения качества жизни населения в системе обеспечения безопасности социума (на примере города Ставрополя). Известия Российского государственного

- педагогического университета им. А.И. Герцена. №10/59, СПб, 2008. С.245 (Solonina V.P. Improving the quality of life of the population in the system of ensuring social security (on the example of the city of Stavropol). Bulletin of the Russian State Pedagogical University named after A.I. Herzen. No. 10/59, St. Petersburg, 2008. P. 245);
- 26.** Ш.Т.Икрамов, И.А.Хамедов. Маъмурий ҳуқуқ дарслик. 2016. 12 бет (Sh.T.Ikramov, I.A.Khamedov. Administrative law textbook. 2016. 12 page);
- 27.** Бандурка О.М. Роль адміністративного законодавства у зміцненні правопорядку // Проблеми охорони громадського порядку і вдосконалення законодавства: матеріали науково-практичної конференції. Х.: 1994. С. 13–19 (Bandurka O.M. The role of administrative legislation in the important legal order // Problems of protecting public order and the thoroughness of legislation: materials of a scientific-practical conference. Kh.: 1994. P. 13–19);
- 28.** Позднышев А.Н. Институт государственной службы в сфере обеспечения общественной безопасности (теоретико-методологические проблемы): дис. ... докт. юрид. наук. М., 2003. 402 с (Pozdnyshv A.N. Institute of Public Service in the Sphere of Public Security (Theoretical and Methodological Problems): Dis. ... doc. legal Sci. M., 2003. 402 pp);
- 29.** Пирогов, Г. Концепция социальной безопасности // Обозреватель - Observer. 1992. (9) (Pirogov, G. Concept of social security // Observer - Observer. 1992. (9))

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

1-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-1

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000